

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**231** **Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомга ўзгартиш киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари фондларга маблағлар ажратишини тартибга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 июндаги ПҚ–655-сон қарори билан тасдиқланган иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом 29-бандининг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 14 июль,
ПҚ–1365-сон